

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

52-сон
(968)
2020 йил
31 декабрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

570. «Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ–660-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

571. «2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ–4936-сон қарори

572. «Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ–4937-сон қарори

573. «Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон қарори [Кўчирма]
574. «Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сон қарори

Бешинчи бўлим

575. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 17 декабрдаги 01-02/15-61-сон, 2020 йил 12 декабрдаги 27/3-сон «Ташқи савдо контрактларига идентификация рақамини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1365-2*)
576. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 18 декабрдаги 59-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-4*)
577. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 18 декабрдаги 60-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-2*)
578. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 1 декабрдаги 53-сон, 2020 йил 20 ноябрдаги 28 қ/қ 20.11.20-сон, 2020 йил 24 ноябрдаги 42-сон, 2020 йил 20 ноябрдаги 01-02/5-59-сон, 2020 йил 23 ноябрдаги 29-сон, 2020 йил 25 ноябрдаги 80-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молия-

лаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2675-2*)

579. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 23 декабрдаги 140-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-4*)

580. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 24 декабрдаги 27/9-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3079-1*)

581. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 7 декабрдаги 01-02/12-60-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида авто ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2904-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****570 Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 4 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 18 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 8, 383-модда, № 9, 510-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 1, 4-модда, № 11, 792-модда, № 12, 891-модда; 2020 йил, № 9, 537-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 24-модда:

биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларининг прогнозларини маълумот учун қабул қилиш;

вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қарорларни тасдиқлаш;

тегишли бюджетлардан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш»;

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 декабрда эълон қилинган.

тўртинчи — ўн саккизинчи хатбошилари тегишинча **еттинчи — йигирма биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тегишли вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ҳамда Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди»;

иккинчи ва учинчи қисмлари тегишинча **учинчи ва тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

2) 25-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ҳамда шаҳарлар бюджетларидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга бюджет сўровини тузиш учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди»;

тўртинчи — ўн тўртинчи хатбошилари тегишинча **бешинчи — ўн бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда;

да, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **175⁶-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«175⁶-модда. Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузиш

Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузиш —

мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **175⁷-модда** билан тўлдирилсин:

«175⁷-модда. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини бузиш

Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини бузиш — мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **245-модданинг биринчи қисми** «175⁶» рақамидан кейин «175⁷» рақами билан тўлдирилсин;

4) **245⁶-модданинг биринчи қисми** «175²» рақамидан кейин «175⁷» рақами билан тўлдирилсин;

5) қуйидаги мазмундаги **264²-модда** билан тўлдирилсин:

«264²-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий молия органлари

Ушбу Кодекснинг 175⁶-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва ҳудудий молия органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) 3-модда:

еттинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**бюджет маблағларини тақсимловчи** — биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи ва иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи»;

қуйидаги мазмундаги **ўн олтинчи** ва **ўн еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«**Давлат бюджетининг бирламчи профицити** — муайян давр учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларидан давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда ҳисобланадиган Давлат бюджети профицити»;

Давлат бюджетининг бирламчи тақчиллиги — муайян давр учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларидан давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича фоиз тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда ҳисобланадиган Давлат бюджети тақчиллиги»;

ўн олтинчи — қирқ олтинчи хатбошилари тегишинча **ўн саккизинчи — қирқ саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **қирқ иккинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**Ягона ғазна ҳисобварағи** — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очиладиган миллий ёки чет эл валютасидаги махсус банк ҳисобварағи»;

қирқ иккинчи — қирқ саккизинчи хатбошилари тегишинча **қирқ учинчи — қирқ тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

2) 26-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади»;

тўққизинчи хатбошиси ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

3) 27-модда:

биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари даромадларининг прогнозларини маълумот учун қабул қилади;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

тегишли бюджетлардан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитади»;

тўртинчи хатбошиси еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ҳамда Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди»;

иккинчи қисми учинчи қисм деб ҳисоблансин;

4) 28-модда биринчи қисмининг тўққизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга бюджет сўровини тузиш учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини кўриб чиқади ҳамда тасдиқлайди»;

5) 29-модданинг биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **еттинчи — ўн биринчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ўрта муддатли бюджетни тайёрлаш жараёнини икки босқичда (тузиш ва тайёрлаш) амалга ошириш бўйича ягона услубий қўлланмалар тўпламини (циркулярни), шунингдек Давлат бюджетини шакллантиришда бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорларини етказиш ҳамда қайта кўриб чиқиш тартибини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг таклифлари асосида Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун қабул қилинган кундан эътиборан бир ойлик муддатда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган тасдиқланган маблағлар доирасида иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг таклифлари асосида иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар учун тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига маъқуллаш учун киритади;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар рўйхатини тасдиқлайди;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига маҳаллий бюджетларнинг лойиҳаларини тайёрлаш бўйича тавсиялар юборади»;

еттинчи — йигирма тўққизинчи хатбошилари тегишинча **ўн иккинчи — ўттиз тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

6) **45-моддадаги** «(бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бундан мустасно)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **46-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари»;

тўртинчи хатбошиси бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

8) **51-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари:

1) белгиланган нормативларга мувофиқ:

фойда солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

акциз солиғи;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (бундан қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ мустасно);

2) божхона божлари;

3) қўшилган қиймат солиғи;

4) бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади. Бошқа даромадлар жумласига қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига йўналтириладиган давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари, компенсация тўловлари, жарима санкциялари ва давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, белгиланган нормативлар бўйича давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан олинган даромадлар, мерос, ҳадя ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтказилган пул маблағлари, юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари, резидент бўлган юридик шахсларга берилган бюджет ссудаларини, чет давлатларга берилган кредитларни тўлаш ҳисобидан тўловлар, акцияларнинг давлат улуши (пайи) бўйича дивидендлар (даромадлар), бундан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) мустасно, маҳсулот тақсмотига оид битимлар бўйича фойда келтирадиган маҳсулотдаги давлат улуши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фойдаси ва бошқа даромадлар киради»;

9) **52-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг даромадлари:

1) белгиланган нормативларга мувофиқ:

фойда солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

акциз солиғи;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (бундан қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ мустасно).

2) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

3) мол-мулк солиғи;

4) ер солиғи;

5) қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

6) айланмадан олинадиган солиқ;

7) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет давлатлардан тушган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

8) автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим;

9) бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади. Бошқа даромадларга қонунчиликка мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, белгиланган нормативлар бўйича давлат активларини жойлаштиришдан, фойдаланишга беришдан ва сотишдан олинган даромадлар, давлат божлари, йиғимлар, товон пуллари ва жарима санкциялари, эгасиз мол-мулкни, мерос ҳуқуқи бўйича давлат ихтиёрига ўтган мол-мулкни, ҳуқуқ бўйича давлат даромадига ўтказилиши лозим бўлган ҳазиналарни реализация қилишдан тушган тушумлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва қонунчиликка мувофиқ бошқа даромадлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертлар Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг даромадлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига тушадиган айрим солиқлар ва бошқа даромадлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига қонунчиликда белгиланган миқдорларда ва тартибда тақсимланиши мумкин.

Солиқлар ва бошқа даромадлар белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида қайта тақсимланиши мумкин»;

10) **71-модданинг биринчи қисми:**

1-бандининг тўртинчи хатбошисидаги «тиббий ташхис қўйиш ва давлат санитария-эпидемиология назорати марказларини» деган сўзлар «тиббий ташхис қўйиш марказларини ҳамда ҳудудий санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-банди:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарувчиларнинг аҳолига кўрсатилган иссиқлик таъминоти хизматлари учун пасайтирилган тарифларни қўллаш натижасида юзага келадиган зарарларининг ўрнини қоплаш харажатлари»;

олтинчи хатбошиси еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан, шунингдек давлат органларининг ёки ушбу органлар мансбдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш харажатлари»;

қуйидаги мазмундаги **6²-банд** билан тўлдирилсин:

«6²) давлат грантлари, субсидиялар ва ижтимоий буюртма шаклида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатлари»;

11) 72-модданинг 1-банди:

учинчи хатбошисидаги «пунктларини» деган сўз «пунктларини, туман (шаҳар) санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлимларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам, шунингдек табиий офатлардан жабрланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш харажатлари»;

12) 73-модданинг учинчи қисмидаги «макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ҳамда Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) 85-модданинг учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджет сўровини тузиш тартиби Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади»;

14) 88-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «ва вазифаларини» деган сўзлар «вазифаларини, сифат ва миқдор кўрсаткичларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) 90-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«90-модда. Ўрта муддатли давр учун фискал стратегияни ишлаб чиқиш тартиби

Ўрта муддатли давр учун фискал стратегия (бундан буён матнда Фискал стратегия деб юритилади):

макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун прогнозларини;

солиқ ва бюджет сиёсатининг ўрта муддатли давр учун асосий йўналишларини;

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети даромадлари ва харажатларининг солиқ-бюджет сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланган ўрта муддатли давр учун прогнозларини;

келгуси молия йили учун бюджет тизими бюджетлари даромадлари прогнозини ва улар асосида келгуси икки йил учун ишлаб чиқилган мақсадли мўлжалларни;

келгуси молия йили учун бюджет тизими бюджетлари харажатлари прогнозини ва улар асосида келгуси икки йил учун ишлаб чиқилган мақсадли мўлжалларни;

Давлат бюджетининг бирламчи профицити ёки бирламчи тақчиллиги прогнозларини;

фискал таваккалчиликлар таҳлилини ўз ичига олади.

Фискал стратегияни ишлаб чиқиш учун:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан — ҳар йили 15 апрелга қадар ўрта муддатли давр учун камида иккита сценарийдаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозининг дастлабки баҳоси;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан — ҳар йили 1 майга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилинган қарорлари, шунингдек давлат дастурлари асосида ўрта муддатли даврда амалга ошириладиган, шунингдек тугаш муддати келган тадбирлар рўйхати ҳисобга олинган ҳолда зарур бўлган маблағлар, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар тўғрисидаги дастлабки таклифлар;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан — ҳар йили 1 майга қадар навбатдаги ўрта муддатли давр учун давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлар прогнозлари ва харажатларнинг дастлабки миқдорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилинган қарорлари, шунингдек давлат дастурлари асосида келгуси ўрта муддатли даврда амалга ошириладиган, шунингдек тугаш муддати келган тадбирларнинг бажарилишини зарур бўлган маблағлар билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг дастлабки миқдорлари бўйича таклифлар;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-

кент шаҳар ҳокимликлари томонидан — ҳар йили 1 майга қадар даромадлар прогнозлари, харажатларнинг (жорий харажатлар ҳамда объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар) дастлабки миқдорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг дастлабки миқдорлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, шунингдек идоралар томонидан — ҳар йили 15 майга қадар амалдаги солиқ-бюджет сиёсатидан келиб чиққан ҳолда ўрта муддатли давр учун Давлат бюджетига солиқ ва божхона тушумларининг прогнозлари бўйича ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Фискал стратегияни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келгусидаги ўрта муддатли давр учун биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга ажратиладиган харажатларнинг чекланган миқдорларини белгилайди.

Фискал стратегия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади»;

16) қуйидаги мазмундаги **90¹** ва **90²-моддалар** билан тўлдирилсин:

«90¹-модда. Фискал стратегияни тасдиқлаш

Келгуси йил учун янгиланган Фискал стратегия:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига жорий йилнинг 1 июнига қадар киритилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида жорий йилнинг 15 июнига қадар муҳокама қилинади ва тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига маълумот учун киритилади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

90²-модда. Давлат бюджетини шакллантиришда бюджетдан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини етказиш тартиби

Фискал стратегия Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланганидан кейин беш иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси молия йили учун:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган бюд-

жет ташкилотларига ва бюджет маблағларини олувчиларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини, шунингдек объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича харажатларнинг чекланган миқдорларини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини, шунингдек объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича харажатларнинг чекланган миқдорларини;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган трансфертларнинг чекланган миқдорларини етказди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тақдим этилган келгуси молия йили учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари беш иш куни ичида тегишли бюджетларнинг бюджет сўровларини тузиш ҳамда уларни тақдим этиш муддатларини белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг бюджет сўровларини тузиш ҳамда уларни тақдим этиш муддатларини белгилаш ҳақида қарор қабул қилинганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари:

туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга — келгуси молия йили учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини етказди.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларини олганидан кейин уч иш куни ичида тегишли

бюджетларнинг бюджет сўровларини тузиш ҳамда уларни тақдим этиш муддатларини белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилади.

Туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари тегишли бюджетларнинг бюджет сўровларини тузиш ва уларни тақдим этиш муддатларини белгилаш ҳақидаги қарорларни олганидан кейин келгуси молия йили учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга етказди»;

17) **91-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бюджет сўровларини кўриб чиқиш:

туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар бўйича — туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетлари лойиҳалари бўйича — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар тасарруфидаги бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчилар бўйича, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар бўйича — тегишли биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети, шунингдек биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларининг объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари лойиҳалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари бўйича — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қуйидагиларни кўриб чиқади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар бўйича бюджет сўровларини;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (ре-

конструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича умумлаштирилган бюджет сўровларини»;

18) **92-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Келгуси йил учун бюджет сўровлари жорий йилнинг 1 августига қадар:

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан, туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар томонидан тегишли молия органларига;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ҳамда жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ўрта муддатли давр учун макроеқтисодий кўрсаткичларнинг аниқлаштирилган прогнозларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига — жорий йилнинг 15 августига қадар киритади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг прогнози бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳамда давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга — жорий йилнинг 20 августигача тақдим этади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгусидаги ўрта муддатли давр учун макроеқтисодий кўрсаткичларнинг аниқлаштирилган прогнозларидан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадларининг янгиланган прогнози бўйича тайёрланган таклифлар асосида қуйидагиларга:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга келгуси молия йили учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларига;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, шунингдек биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг келгуси молия йили учун объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича харажатларининг чекланган миқдорларига;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига келгуси молия йили учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетларaro трансфертларнинг чекланган миқдорларига;

Давлат мақсадли жамғармаларига келгуси молия йили учун Ўзбекис-

тон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорларига ўзгартиришлар киритади.

Бюджет сўровларини кўриб чиқиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет сўровлари олинганидан кейин бир ой муддатда қуйидагиларга билдиришномалар юборади:

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга — келгуси молия йили учун ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларига киритилган ўзгартиришлар, амалга ошириш учун асослар мавжуд бўлмаган, ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги паст бўлган, бюджет даромадларининг тегишли ўсиши билан таъминланмаган харажатларни камайитиш тўғрисида, шунингдек бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағларини олувчилар фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичлари пасайган ҳолларда харажатларни мақбуллаштириш ҳақида;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларига ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга — тегишли бюджетларнинг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг даромадлари ҳамда харажатларининг прогнозлари асоссиз равишда пасайтирилган ёки оширилган ҳолларда мазкур прогнозларга тузатиш киритиш ҳақида, шунингдек бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига — Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, шунингдек биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича харажатларига киритиладиган ўзгартиришлар тўғрисида.

Бунда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, шунингдек объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ҳамда жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ёзма билдиришномаларини олганидан кейин уч иш куни ичида мазкур ёзма билдиришномаларда кўрсатилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда янгиланган бюджет сўровларини тақдим этиши шарт»;

19) 93-модда биринчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «25 июнидан» деган сўзлар «25 июлидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «1 июлидан» деган сўзлар «1 августидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) 94-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари томонидан:

даромадлар бўйича — Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир таклифлар ҳамда давлат солиқ инспекциялари, ҳокимликларнинг бўлимлари ва давлат бошқаруви органларининг бошқа туман ҳамда шаҳар бўлинмалари томонидан маъмурий-худудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган бошқа ахборот асосида;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари асосида;

харажатлар бўйича — туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет сўровлари асосида ишлаб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан:

даромадлар бўйича — Давлат бюджетига киритиладиган даромадлар прогнозига доир таклифлар ҳамда давлат солиқ бошқармалари ва ҳокимликларнинг бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат бошқаруви органларининг бўлинмалари томонидан маъмурий-худудий бирлик иқтисодиётини ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнозига мувофиқ тақдим этиладиган бошқа ахборот асосида;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг чекланган миқдорлари асосида;

харажатлар бўйича — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет сўровлари ҳамда тегишли туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг лойиҳалари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган айрим тадбирлар учун харажатларнинг прогноз қилинаётган ҳажми асосида ишлаб чиқилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг лойиҳаларини тақчиллик билан ишлаб чиқишга йўл қўйилмайди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ҳамда унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармон воситаларини сотиб олиш, шунинг-

дек коммунал хизматлар харажатларини назарда тутган ҳолда шакллантиради»;

21) **95-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «бюджет маблағларини» деган сўзлар «биринчи даражали бюджет маблағларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **96-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бюджетнома қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун прогнозини;

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг жорий йилдаги ижросининг прогноз баҳосини;

янгиланган Фискал стратегияни;

прогноз йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ҳамда харажатларининг лойиҳасини ва келгуси икки йил учун бюджет мўлжалларини;

соҳалар бўйича ривожланишнинг асосий йўналишлари, мақсадлари, вазифалари, сифат ва миқдор кўрсаткичларини;

давлат қарзининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинадиган қарз маблағларининг йиллик чекланган миқдорини»;

23) **99-модда биринчи қисмидаги** «кучга киргандан» деган сўзлар «расмий эълон қилингандан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

24) **100-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун расмий эълон қилинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бериладиган бюджетлараро трансфертлар ҳажмларини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари эътиборига — уч иш куни ичида;

биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини уларнинг эътиборига — уч иш куни ичида;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар учун белгиланган даромадлар ва харажатларнинг ҳажмларини уларнинг эътиборига — ўн иш куни ичида етказди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тасдиқланганидан кейин Қорақалпоғистон Республикаси

публикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари:

туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромадлари ва харажатлари ҳажмларини, шунингдек уларга тегишинча Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан бериладиган бюджетларaro трансфертлар ҳажмларини туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари эътиборига — уч иш куни ичида;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар эътиборига улар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмларини — бир ҳафталик муддатда етказди.

Туманлар ва шаҳарлар бюджетлари тасдиқланганидан кейин туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг молия бўлимлари туманлар ва шаҳарлар бюджетларидан молиялаштириладиган ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар эътиборига улар учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ҳажмларини бир ҳафталик муддатда етказди»;

25) **108-модданинг иккинчи қисмидаги** «давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

26) **118-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар қонунчиликда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган даромадларнинг тақсимланиши назарда тутилмаган бўлса, унда бу турдаги даромад Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказиладиган»;

27) **119-модда:**

биринчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган маблағлар»;

олтинчи хатбошиси еттинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушадиган маблағларнинг микдорлари қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади»;

бешинчи қисми олтинчи қисм деб ҳисоблансин;

28) **134-модданинг биринчи қисмидаги** «маблағлар» деган сўз «маблағлар, тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) **135-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

30) **136-модда иккинчи қисмининг:**

иккинчи хатбошисидаги «асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

31) **137-модда учинчи қисмининг:**

иккинчи хатбошисидаги «асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

32) **138¹-модда иккинчи қисмининг:**

иккинчи хатбошисидаги «асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда» деган сўзлар «Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетлари ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётганда»;

33) қуйидаги мазмундаги **138²-модда** билан тўлдирилсин:

«138²-модда. Тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар

Тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар қайтарилмаслик шарти билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатларининг тегишли даромадлар прогнозларидан ошган қисмини қоплаш учун берилади.

Тартибга солувчи бюджетларaro трансфертларнинг миқдорлари:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига — Давлат бюджетидан тўғрисидаги қонун лойиҳаси қабул қилинаётганда;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига — Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар тасдиқланаётганда белгиланади.

Давлат бюджетидан тўғрисидаги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетларaro трансфертлар миқдорларини, қуйи турувчи бюджетларнинг даромадлари прогнозларининг ижросидан қатъи назар, камайитиришга йўл қўйилмайди»;

34) **140-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бюджет ссудаси шаклидаги бюджетларaro трансферт (бюджет ссудаси) бюджет манбаларининг тўлиқ сафарбар қилиниши тегишли бюджетларда назарда тутилган харажатлар қопланишини таъминламаган тақдирда, қайтариш шарти билан фойзсиз ёки фойз тўлаш шарти билан берилади.

Бюджет ссудаси:

бир молия йилида прогноз қилинган даромадлар ва режалаштирилган харажатлар ўртасидаги режали вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун — тўққиз ойгача бўлган муддатга фойзсиз асосда;

даромадлар тушумлари ва харажатларни амалга ошириш ўртасида кутилатган вақтинчалик касса узилишларини қоплаш учун — бир молия йили

ичида олти ойгача бўлган муддатга фоизсиз асосда ҳамда бир молия йилидан ортиқ, аммо уч молия йилидан ортиқ бўлмаган муддатга йиллик икки фоизли миқдорда берилади.

Режали бюджет ссудаси даромадларнинг прогноз қилинган тушумлари, назарда тутилган бюджетлараро трансфертлар, айланма касса маблағларидан ва йил бошидаги эркин қолдиқлардан вақтинчалик маблағ жалб қилиш, тегишли тасдиқланган бюджетларда назарда тутилган айрим чораклардаги харажатларнинг қопланишини таъминламаган ҳолларда берилади.

Бюджет ссудаси:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан — Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети, вилоятларнинг вилоят бюджетлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети маблағлари ҳисобидан — туманлар ва шаҳарлар бюджетларига уларнинг даромадлари ҳамда харажатлари ўртасидаги режали ёки қутилаётган вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун берилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига, давлат мақсадли жамғармалари бюджетларига даромадлар тўлиқ тушмаган ёки уларнинг молия йили учун тегишли бюджетларда назарда тутилган харажатларни муддатидан олдин амалга ошириш зарурати юзага келган, тегишли бюджет даромадлари ва харажатларини мувозанатлаштириш бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармаларига ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш бюджет ссудаси ажратилиши учун асос бўлиши мумкин.

Ажратиладиган бюджет ссудаларининг миқдорлари келгуси молия йили учун алоҳида чораклардаги даромадлар ва харажатлар ўртасида юзага келадиган режали вақтинчалик касса узилишини қоплаш учун тегишли бюджетнинг йиллик режали даромадлари ҳамда харажатлари ҳар чоракда қайта тақсимланаётганда белгиланади.

Бюджет ссудаларини беришнинг мажбурий шарти улардан белгиланган мақсадда фойдаланиш, шунингдек бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатга мувофиқ уларни ўз вақтида қоплашдан иборатдир.

Бюджет ссудаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимликларнинг, давлат мақсадли жамғармасини тақсимловчи орган раҳбарининг бюджет ссудасига бўлган эҳтиёжни асословчи ҳисобкитоблар илова қилинган сўрови асосида берилади.

Бюджет ссудаси олиш тўғрисидаги сўровда сўралаётган бюджет ссу-

дасининг миқдори ва у сўралаётган давр, шунингдек бюджет ссудасини қайтаришнинг кафолатланган манбалари кўрсатилади.

Бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги сўровни кўриб чиқишда молия органи қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборот ва ҳисоб-китобларни сўраб олиш ҳуқуқига эга.

Такдим этиладиган ахборот ва ҳисоб-китобларда касса узилиши сабабларининг қуйидаги батафсил таҳлили келтирилади:

а) тегишли бюджетнинг йил бошидан охириг ҳисобот давригача бўлган ижроси тўғрисидаги ахборот;

б) ҳисобот даври учун касса узилишларининг юзага келишига сабаб бўлувчи даромадларнинг белгиланган прогноз кўрсаткичлари;

в) солиқ тўловлари бўйича бюджет олдидagi қарздорлик миқдори ва унинг шаклланиш сабаблари, ҳудуд бўйича қарздорликнинг ўсиб бориши;

г) тегишли давр учун бюджетда назарда тутилган бюджет таснифининг тегишли кодлари бўйича биринчи навбатдаги харажатлар миқдори;

д) кутилаётган даромадлар тушуми, шу жумладан солиқ турлари бўйича ва тегишли ҳисобот даври учун кутилаётган харажатлар;

е) касса узилиши юзага келиши сабабларининг изохи, сўровнинг асосланганлиги ва бюджет ссудасининг ўз вақтида қайтарилишини таъминловчи чора-тадбирлар режаси.

Бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги мурожаат тегишли молия органи томонидан мурожаат олинган санадан эътиборан беш иш куни ичида кўриб чиқилади ва унинг натижаси тўғрисида мурожаат этувчига хабар қилинади.

Бюджет ссудасини олиш тўғрисидаги сўровни кўриб чиқиш натижаси ижобий бўлган тақдирда тегишли молия органи бир иш куни ичида аризачини ажратиладиган бюджет ссудасининг миқдори, уни ажратишдан мақсад ва белгиланган қайтариб бериш муддатлари тўғрисида хабар қилади.

Бюджет ссудасини бериш рад этилган тақдирда тегишли молия органи бир иш куни ичида бюджет ссудаси бериш рад этилганлиги тўғрисида аниқ сабаблар ва асосларни кўрсатган ҳолда аризачига хабар қилади.

Ахборот ва ҳисоб-китоблар такдим этилмаган ёки тўлиқ такдим этилмаган тақдирда бюджет ссудасини олиш учун сўров кўриб чиқилмайди ҳамда бюджет ссудасини бериш рад этилганлиги тўғрисида аризачига икки иш куни ичида хабар қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бериладиган бюджет ссудасини ажратиш учун такдим этиладиган ахборот ва ҳисоб-китоблар:

худудий молия органлари ва давлат солиқ бошқармалари томонидан тайёрланади ҳамда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ёки уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан имзоланади;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан тайёрланади ва уларнинг раҳбарлари томонидан имзоланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан бюджет ссудасини ажратиш учун тақдим этиладиган ахборот ҳамда ҳисоб-китоблар туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари ёки уларнинг биринчи ўринбосарлари томонидан имзоланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимликларнинг, давлат мақсадли жамғармасини тақсимловчи орган раҳбарининг сўровини кўриб чиқиш натижалари бўйича беш иш кун ичида қуйидагилардан:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги қарор — Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан;

Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан, вилоятларнинг вилоят бюджетларидан, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан бюджет ссудасини бериш тўғрисидаги қарор — тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси молия вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари бошлиқлари томонидан қабул қилинади.

Бюджет ссудасини ажратиш бюджет ссудасини бераётган молия органи ва бюджет ссудасини олувчи молия органи (давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи орган) ўртасида тузиладиган бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги шартнома билан расмийлаштирилади.

Бюджет ссудасини қайтариш муддатларини узайтириш бюджет ссудасини олувчида уни белгиланган муддатларда ўз вақтида тўлаш имкониятини истисно этадиган молиявий қийинчиликлар юзага келган ҳолларда амалга оширилади.

Бюджет ссудасини қайтариш муддатларини узайтириш бюджет ссудасини бериш учун ушбу моддада белгиланган тартибда ва шартларда амалга оширилади.

Бюджет ссудаларини қайтариш муддатлари келгуси молия йилига узайтирилганда, бюджет ссудаларининг қайтарилмаган қисмидан йиллик икки фоиз миқдорида тўлов белгиланади ва бюджет ссудалари қайси тегишли бюджетлардан берилган бўлса, ўша бюджетларга йўналтирилади.

Бюджет ссудасини олувчи тегишли молия органига бюджет ссудасини тўлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги сўров билан уни тўлаш муддати тугашидан камида беш иш кун олдин мурожаат қилади.

Бюджет ссудасини тўлаш бюджет ссудасини ажратиш тўғрисидаги шартномада белгиланган муддатларда:

маблағларни ўтказиш;

қуйи турувчи бюджетларга ва давлат мақсадли жамғармаларига ўтказилиши лозим бўлган бюджетлараро трансфертлар эвазига ўзаро ҳисобга олиш;

иш ҳақини тўлаш, ижтимоий эҳтиёжларга ажратмалар, стипендиялар, пенсиялар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, компенсация тўловлари ва нафақалар тўлаш харажатлари қопланганидан кейин қуйи турувчи бюджетларнинг ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг

шахсий ғазна ҳисобварақларидан маблағларни сўзсиз ундириб олиш йўли билан амалга оширилади»;

35) 141-модда иккинчи қисмининг:

иккинчи хатбошисидаги «асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджетининг асосий параметрлари тасдиқланаётганда» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётганда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

36) 142-модданинг иккинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириш манбаси аниқ бўлмасдан бошланган тадбирларни молиялаштиришга ва (ёки) параллель лойиҳалаштириш, тендер савдоларини ўтказмасдан амалга оширилган қуриш ва таъмирлаш ишларини молиялаштиришга»;

бешинчи хатбошиси олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

37) 143-модда қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган харажатларни уларнинг тасдиқланган ҳажмларига нисбатан кўпайтириш, уларнинг ўрнини қоплаш манбалари мавжуд бўлган тақдирда, Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартиришлар киритилмасдан амалга оширилади»;

38) 145-модданинг:

иккинчи қисмидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига» ва «мақсадли маблағлар» деган сўзлар тегишинча «биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларга» ва «қайта тақсимланадиган маблағлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан маблағларни ажратиш ҳамда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларни қайта ташкил этиш Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунга ўзгартиришлар киритилмасдан амалга оширилади»;

39) 163-модданинг:

иккинчи қисми «рахбари» деган сўздан кейин «ёки у ваколат берган шахс» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўн иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

40) **166-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ижросининг балансини;

давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни;

давлат мақсадли жамғармаларининг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотларини;

давлат мақсадли жамғармалари номолиявий активларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни;

давлат мақсадли жамғармаларининг миллий ва чет эл валютасидаги пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни;

давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар бўйича тармоқ, штатлар ва контингентга доир режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тахлилий мақсадлар учун давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромадлари ва харажатларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этади.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ва тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган муддатларда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги чораклик ҳисоботни;

давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелига қадар тақдим этади»;

41) қуйидаги мазмундаги **166¹-модда** билан тўлдирилсин:

«166¹-модда. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартиби

Биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар, ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчилар, давлат мақсадли жамғармалари, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳар чорак якунлари бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 25 санасига қадар ўзининг расмий веб-сайтларига:

ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида бюджет маблағларининг тақсимоти;

даврий молиявий ҳисоботлар;
давлат мақсадли жамғармаларидан субсидиялар ва кредит олувчилар;

капитал қўйилмалар ҳисобидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотларни жойлаштиради.

Худудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг расмий веб-сайтлари мавжуд бўлмаган тақдирда улар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларига ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотни жойлаштиради.

Давлат молиявий назорат органлари молия йилининг биринчи ойида молия йили учун иш режалари тўғрисидаги маълумотларни, ҳар чорак якунларига кўра эса назорат тадбирлари натижалари бўйича аниқланган молиявий ҳуқуқбузарликлар ва ижобий натижалар ҳақидаги маълумотларни чоракдан кейинги ойнинг 25 санасидан кечиктирмай ўз расмий веб-сайтларига жойлаштиради.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ҳамда хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунлари бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан мажбурий тартибда ўз расмий веб-сайтларида жойлаштирилади.

Маълумотни ушбу модданинг биринчи — тўртинчи қисмларида кўрсатилган тегишли ташкилотларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади»;

42) 168-модда қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳамда шаҳарлар Кенгашлари тегишли бюджетлардан молиялаштириладиган худудий бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланилиши, шунингдек эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқига эга»;

43) 169-модда:

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг ва давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларнинг ўзларига ажратилган бюджет маблағларидан ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фой-

даланилиши, шунингдек эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш ҳуқуқига эга»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

44) **190-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«190-модда. Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузиш

Молия органларига бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этмаслик бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиш тартибини бузишдир»;

45) қуйидаги мазмундаги **190¹-модда** билан тўлдирилсин:

«190¹-модда. Бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини бузиш

Маълумотнинг ушбу Кодекс 166¹-моддасида назарда тутилган муддатлар бузилган ҳолда тегишли ташкилотларнинг расмий веб-сайтларида мавжуд эмаслиги, тўлиқ жойлаштирилмаганлиги ва (ёки) жойлаштирилмаганлиги бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш тартибини бузишдир».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «**Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида**»ги 279–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–404-сонли Қонуни тахрирда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 4, 124-модда) **22-моддасининг олтинчи қисмидаги** «ташкилотларининг» деган сўз «ташкилотларининг, бюджет маблағларини олувчиларнинг ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-

хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

7-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Ушбу Қонун 2-моддасининг 2-банди 2021 йил 1 апрелдан эътиборан амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 декабрь,
ЎРҚ-660-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

571 2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ри- вожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Республикада ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларига қулай инвестиция муҳитини яратиш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳани қўллаб-қувватлаш, шунингдек, давлат-хусусий шериклик асосида янги инфратузилма объектларини барпо этиш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда — маҳаллий ҳокимликлар) билан биргаликда 2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

а) 2021 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий параметрлари ва 2022-2023 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 1-иловага** мувофиқ;

б) 2021 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини ишга тушириш ҳамда янги қувватлар яратишнинг мақсадли кўрсаткичлари ва 2022-2023 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 2-иловага** мувофиқ;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар (объектлар)нинг манзилли рўйхатлари ва мақсадли мўлжаллар, шу жумладан:

2021 йилда маъмурий, муҳандислик-инфратузилма, шунингдек, алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш манзилли рўйхати 3-иловага** мувофиқ;

2021 йилда олий таълим муассасалари объектларини қуриш, реконс-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 декабрда эълон қилинган.

** 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

трукция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш манзилли рўйхати 4-иловага* мувофиқ;

2021 йилда умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш манзилли рўйхати, шунингдек, 2022-2023 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 5 ва 5а-иловаларга* мувофиқ;

2021 йилда мактабгача таълим ташкилотлари объектларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли рўйхати, шунингдек, 2022-2023 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 6 ва 6а-иловаларга* мувофиқ;

2021 йилда соғлиқни сақлаш объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш манзилли рўйхати, шунингдек, 2022-2023 йиллар учун мақсадли мўлжаллар 7 ва 7а-иловаларга* мувофиқ;

2021 йилда жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш манзилли рўйхати 8-иловага* мувофиқ;

2021 йилда маданият ва санъат объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш манзилли рўйхати 9-иловага* мувофиқ;

2021 йилда илм-фан ва инновация объектларини ривожлантириш манзилли рўйхати 10-иловага* мувофиқ;

2021 йилда иссиқлик таъминоти тизими объектларини барпо этиш, мавжуд қувватларни модернизация қилиш манзилли рўйхати 11-иловага* мувофиқ;

2021 йилда автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, объектларни жиҳозлаш ва техникалар харид қилиш бўйича манзилли рўйхат 12-иловага* мувофиқ;

2021 йилда темир йўл транспорти ва метрополитен инфратузилмасини ривожлантириш манзилли рўйхати 12а-иловага* мувофиқ;

2021 йилда ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли рўйхати 13-иловага* мувофиқ;

2021 йилда мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш манзилли рўйхати 14-иловага* мувофиқ;

2021 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва мудофаа объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш манзилли рўйхати 15-иловага* мувофиқ;

г) 2021 йилда Молия вазирлиги ҳузуридаги Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимлари объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш манзилли рўйхати 16-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари зиммасига Дастурнинг асосий параметрлари, мақсадли кўрсаткичлари ва манзилли рўйхатлари белгиланган муддатларда тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, ажратилган маблағ-

* 4 — 16-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ларни мақсадли йўналтириш ҳамда самарали сарфлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Белгилансинки:

Вазирлар Маҳкамаси Раёсати томонидан Дастурнинг асосий параметрларига тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари ҳамда молиялаштириш манбалари мавжуд бўлган қўшимча лойиҳаларни (объектларни) киритиш, шунингдек, тегишли лойиҳаларни (объектларни) чиқариб ташлаш бўйича ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин;

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов томонидан Дастурнинг асосий параметрларига иқтисод қилинган ёки ўзлаштирилмаган капитал қўйилмалар лимитларини лойиҳалар (объектлар) буюртмачилари (ташаббускорлари) ўртасида қайта тақсимлаш бўйича ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш, шунингдек, танлов (тендер) якунлари юзасидан Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар (объектлар) параметрларига буюртмачилар (ташаббускорлар) бўйича белгиланган капитал қўйилмалар лимитлари доирасида тузатиш ва аниқлик киритилиши мумкин.

Дастурнинг асосий параметрларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасига Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан биргаликда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларнинг тегишли таклифлари асосида киритилади.

4. Шундай тартиб белгилансинки, унга кўра:

Дастурга киритилган ҳудудий лойиҳалар (объектлар) бўйича лойиҳа ҳужжатларига асосан капитал қўйилмалар лимитлари етишмаган тақдирда, уларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ қўшимча харажатлар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари маблағлари ҳисобидан қопланади;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан идоравий объектларни лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлашнинг аниқ рўйхати Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан келишилади.

5. 2021 йилда бюджеттизими бюджетлари ҳисобидан харажатларни амалга ошириш ва ишларни бажариш қуйидаги ҳолларда тақиқлансин:

молиялаштириш манбаи аниқ бўлмаса;

белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатларисиз (ишчи лойиҳа, ишчи ҳужжатлари, лойиҳа-смета ҳужжатларисиз) ёки лойиҳа ҳужжатларини қурилиш-монтаж ишлари билан бир вақтда тайёрлаш, яъни параллел равишда олиб бориш;

пудратчи (лойиҳачи) ташкилотларни танлов (тендер) ўтказмасдан танлаб олиш (агар, «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунда, Ўзбекистон

Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларида бошқача қоидалар назарда тутилган бўлмаса).

Бош вазирнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари зиммасига мазкур бандда кўрсатилган бюджет интизоми қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юкланади.

6. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар — лойиҳаларнинг ташаббускорлари:

а) 2021 йил 15 январга қадар молиялаштириш ҳажмларини қурилиш-монтаж ишларининг календарь жадваллари билан узвий боғлиқликда аниқлаштирган ҳолда, йилдан-йилга ўтувчи лойиҳалар (объектлар) бўйича 2021 йил учун қурилишларнинг манзилли рўйхатини Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига келишиш учун киритсин;

б) 2021 йил 15 февралга қадар 2021 йилда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар) бўйича тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари асосида танлов (тендер) ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказиш, харид қилиш тартиб-таомилларини яқунлаш ва танлов (тендер) ғолиблари билан ўрнатилган тартибда пудрат шартномаларини тузиш чораларини кўрсин;

в) харид қилиш тартиб-таомиллари яқунланганидан сўнгўн кун муддатда янгидан бошланадиган лойиҳалар (объектлар) бўйича 2021 йил учун қурилишларнинг якуний манзилли рўйхатини Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига келишиш учун киритсин;

г) 2021 йил 1 мартга қадар 2021 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришнинг асосий параметрларини бажариш, шу жумладан, лойиҳалар (объектлар) бўйича капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг прогноз кўрсаткичларини чораклар кесимида тасдиқлаб, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим этсин. Бунда:

2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида барча лойиҳалар (объектлар) бўйича маблағларни ўзлаштириш йиллик прогноз кўрсаткичининг камида 40 фоизини, шу жумладан, йилдан-йилга ўтувчи объектлар бўйича — камида 55 фоизини бажариш;

2021 йилда фойдаланишга топшириладиган таълим муассасалари объектларини — 15 августга қадар, соғлиқни сақлаш ва тиббий-ижтимоий муассасалар объектларини — 1 октябрга қадар, ирригация ва мелиорация тизимлари объектларини — 1 декабрга қадар тўлиқяқунлаш кўзда тутилсин.

7. Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев) билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишни, шу жумладан, уларни молиялаштириш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Қурилиш вазирлиги (Ш.С. Хидоят) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев) ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда Дастур доирасида шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг бош режалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларини меъморий-режалаштиришни ташкил этиш, шунингдек, аҳоли пунктлари қисмларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишга малакали хорижий консултантларни жалб қилиб, 2021 йил 1 июнга қадар муҳандислик изланиш ва топографик ишларини якунлаш ва лойиҳалаштириш ишларини бошлаш чораларини кўрсин.

Ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишда:

аҳоли пунктлари ҳудудларини зоналаштиришда аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиш, шунингдек, жойларда урбанизация жараёнини жадаллаштиришга;

соҳага оид илғор хорижий тажриба ва ривожланган давлатларнинг стандарт ва талабларини ўрганган ҳолда, замонавий усулларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилсин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев) лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда:

Дастурнинг ижроси юзасидан тизимли мониторинг ўрнатилишини, ҳар ойда лойиҳалар (объектлар) кесимида муҳокамалар ташкил этилишини ва юзага келадиган масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилишини таъминласин, натижалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб борсин;

2021 йил 1 майга қадар 2022 йилда амалга ошириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаларининг дастлабки манзилли рўйхатини Вазирлар Маҳкамаси Раёсатига киритсин.

10. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (А.Э. Бурханов) ва Ҳисоб палатаси (Б.Т. Турабов) икки ой муддатда бюджет маблағлари ҳисобидан капитал қўйилмаларни мақсадли ва самарали ўзлаштириш ҳамда лойиҳалар (объектлар) натижадорлигини таъминлашга қаратилган коррупцияга қарши назорат тизимини жорий этсин. Бунда:

лойиҳа ташаббускорлари томонидан бюджет маблағларидан фойдаланишда коррупцияга қарши курашиш механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

молия ва инвестиция соҳаларида мувофиқлик тизими (комплаенс) ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа самарали воситаларини жорий этиш;

лойиҳа ва пудрат ишлари (хизматлари) хариди жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, ушбу соҳада «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидан, шу жумладан, электрон тендер платформасидан тизимли фойдаланишни ташкил этиш;

аниқланган камчиликлар юзасидан ҳар чоракда Олий Мажлис палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига белгиланган тартибда ҳулосалар киритиб бориш назарда тутилсин.

11. Қуйидагилар:

а) Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов — Дастурнинг сифатли амалга оширилишини мувофиқлаштириш, тасдиқланган прогноз параметрлари бажарилишини мунтазам равишда муҳокама қилиб бориш ва объектларнинг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминлашга;

б) Бош вазир ўринбосари Ж.А. Қўчқоров — Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар (объектлар) тизимли мониторинг ва таҳлил қилиб борилишини таъминлаш, маблағлар ўз вақтида ажратилиши ҳамда самарали ўзлаштирилишини назорат қилишга;

в) қурилиш вазири Б.И. Закиров — объектларнинг лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқирилишида энг мақбул меъморий ҳамда техник ечимлар қўлланилиши, қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши, шунингдек, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этилиши устидан тизимли назоратни таъминлашга;

г) мактабгача таълим (А.В. Шин), халқ таълими (Ш.Х. Шерматов), олий ва ўрта махсус таълим (И.У. Мажидов), соғлиқни сақлаш (А.М. Хаджибаев), жисмоний тарбия ва спорт (Д.Х. Набиев), маданият (О.А. Назарбеков), транспорт (И.Р. Маҳкамов), сув хўжалиги (Ш.Р. Ҳамроев), уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш (М.Х. Салиев) вазирлари — маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг мақсадли ишлатилишини, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларининг сифатли амалга оширилишини ва объектларнинг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминлашга;

д) вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

Дастурга киритилган лойиҳалар (объектлар) бўйича маблағларни самарали ва мақсадли ишлатиш, қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажариш ҳамда объектларни белгиланган муддатларда ишга туширишга;

мазкур қарорнинг 1-илоvasида белгиланган мақсадли мўлжаллар доирасида 2022 йилда амалга ошириладиган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси лойиҳалар (объектлар)нинг дастлабки манзилли рўйхатини ишлаб чиқиш ҳамда 2021 йил 1 апрелга қадар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига тақдим қилишга;

2022 йил ва кейинги йилларда Дастурларга киритилиши назарда тутилаётган объектларнинг лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатларини қурилиш нормалари ва меъёрлари талабларига қатъий риоя қилган ҳолда, 2021 йил 1 августга қадар ишлаб чиқишга шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 17-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Мазкур қарор ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ой якуни бўйича ахборот бериб берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 декабрь,
ПҚ-4936-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги
ПҚ-4936-сон қарорига
17-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги «2018 — 2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3502-сон қарорида:

3-банддаги «Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаларига» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банддаги «буюртмачиларнинг» сўзи «Қурилиш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4653-сон қарорида:

а) 3-иловада:

12-банднинг 8-кичик бандида:

йигирма биринчи хатбоши чиқариб ташлансин;

йигирма иккинчи — йигирма тўққизинчи хатбошилар тегишли равишда йигирма биринчи — йигирма саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

14-банднинг «ж» кичик бандидан еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 10-илованинг 1-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи-тўртинчи хатбошилар тегишли равишда иккинчи-учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**572 Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республикада хом ашё базасини кенгайтириш ва уни қайта ишлашни чуқурлаштириш, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, иқтисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва юқори технологияларни кенг жалб қилиш, инвестиция лойиҳаларининг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини таъминлаш, шу асосда юқори даромадли иш ўринларини яратиш ҳамда ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари (кейинги ўринларда — маҳаллий ҳокимликлар) билан биргаликда ишлаб чиқилган, қўйидагиларни ўз ичига олувчи Ўзбекистон Республикасининг 2021 — 2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури (кейинги ўринларда — Дастур) тасдиқлансин:

928,3 трлн сўм миқдоридаги марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар, жумладан, 37,5 млрд АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилишини назарда тутувчи 2021 — 2023 йилларда капитал қўйилмаларни ўзлаштиришнинг йиғма прогноз параметрлари, шунингдек, 2021 — 2023 йилларда инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш ҳамда жалб қилишнинг прогноз параметрлари 1, 1а ва 1б-иловаларга** мувофиқ;

226 та янги ишлаб чиқариш қуввати ва 34 мингдан зиёд иш ўрни яратилишини назарда тутувчи 2021 йилда йирик ишлаб чиқариш объектлари ва қувватларини ишга тушириш бўйича манзилли дастур 2-иловага** мувофиқ.

2. Қўйидагилар:

2021 йилда инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш бўйича йиғма манзилли дастур, шунингдек, унинг чораклар кесимидаги ижросининг прогноз кўрсаткичлари 3 ва 3а-иловаларга** мувофиқ;

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат кафолати остида хорижий кредитлар жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 4-иловага** мувофиқ;

2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг манзилли дастури 5-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 декабрда эълон қилинган.

** 1 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2021 йилда лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш талаб этиладиган инвестиция лойиҳалари рўйхати 6-иловага* мувофиқ;

2021 йилда ишлаб чиқиладиган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати 7-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 15 январга қадар вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар — лойиҳалар ташаббускорлари мазкур қарорнинг 3 — 5-иловаларига киритилган ҳар бир инвестиция лойиҳаси бўйича уларни амалга оширишнинг ойлар кесимидаги комплекс тармоқ жадвалларини ишлаб чиқади ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тақдим этади.

Бунда, Ҳукумат комиссияси (С.У. Умурзаков) лойиҳалар ташаббускорлари билан биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш комплекс тармоқ жадвалларининг бажарилишини ҳар ойда лойиҳалар кесимида муҳокама қилади, юзага келаётган муаммоли масалаларни ҳал этиш чораларини кўради ва натижалари юзасидан ҳар ой якуни билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб боради.

4. Вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар — лойиҳалар ташаббускорлари:

а) мазкур қарорнинг 3-бандида назарда тутилган комплекс тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда 2021 йилнинг ҳар бир чораги учун инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришнинг белгиланган прогноз кўрсаткичлари сўзсиз бажарилишини таъминласин;

б) Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Ш. Кудратов) билан биргаликда:

2021 йил 15 январга қадар мазкур қарорнинг 6-иловасига киритилган лойиҳалар бўйича лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ҳамда тасдиқлаш, шунингдек, молиялаштириш манбаларини аниқлаш юзасидан «йўл хариталари»ни Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

2021 йил 1 февралга қадар мазкур қарорнинг 7-иловасига киритилган истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини тасдиқласин ва амалга оширишни бошласин.

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосарлари:

а) Л.Ш. Кудратов, Ш.А. Вафаев:

Молия вазирлиги (Д.Ш. Султонов), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норқулов) билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар халқаро молия институтлари экспертларини жалб қилган ҳолда, инвестицияларни ва инвестиция фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича имтиёз ва преференциялар самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқсин;

мазкур қарорнинг 7-иловасига киритилган истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш юзасидан лойиҳа ташаббускорларига ҳар томонлама кўмаклашиш, шунингдек, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун салоҳиятли

* 6-7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

махаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш бўйича ишларни тизимли ташкил этсин;

б) Л.Ш. Кудратов, Н.Қ. Холмуродов:

Молия вазирлиги (О.З. Насритдинходжаев), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Б.К. Абдиназаров), Инновацион ривожланиш вазирлиги (О.А. Тўйчиев) билан биргаликда уч ой муддатда ҳудудларнинг, айниқса, саноати паст даражада ривожланган туманларнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни, инновацион ва илғор ишлаб чиқаришлар ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Дастурнинг ижросини тизимли мониторинг қилиш, лойиҳалар ташаббускорларига лойиҳаларни амалга оширишда юзага келадиган муаммоли масалаларни ҳал этишга қўмаклашиш ва бу борадаги ишларнинг ҳолати юзасидан ҳар ойда Ҳукумат комиссияси (С.У. Умурзаков)га таҳлилий маълумотлар киритиб боришни таъминласин;

вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда 2021 йил 15 ноябрга қадар Дастурнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаштирган ҳамда янгиллаган ҳолда, 2022 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги марказий аппарати тузилмасида вазирлик тизимидаги бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида 15 та штат бирлигидан иборат Инвестициядан кейинги мониторинг бошқармаси ташкил этилсин.

Белгилансинки, Инвестициядан кейинги мониторинг бошқармаси фаолияти асосан инвестиция дастурлари доирасида яратилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектлардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилишга, инвестиция лойиҳалари бўйича техник ва иқтисодий кўрсаткичларга эришиш юзасидан лойиҳа ташаббускорларига қўмаклашишга қаратилади.

Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков бир ой муддатда Инвестициядан кейинги мониторинг бошқармаси фаолиятини ташкил этиб, уни малакали мутахассислар билан тўлдириш чораларини кўрсин.

7. Бош вазир ўринбосарлари С.У. Умурзаков ва Ж.А. Қўчқоров 2021 йил 1 августга қадар халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда, инвестиция таклифларини тайёрлаш, лойиҳаларни амалга ошириш, лойиҳаларни мониторинг қилиш ва инвестициядан кейинги мониторингни ташкил этиш жараёнларини такомиллаштириб, иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида лойиҳа бошқарувининг замонавий тизимини босқичма-босқич жорий этиш чораларини кўрсин. Бунда:

лойиҳа таклифларини ишлаб чиқишда ҳудудлар ва тармоқларнинг мавжуд салоҳиятини (хом ашё, молиявий, илмий-техник, инфратузилма, меҳнат ва бошқа ресурсларини) комплекс таҳлил қилиш;

инвестициялар орқали, биринчи навбатда, иқтисодиёт тармоқларига

илғор технологияларни жорий қилишни, юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

инвестиция лойиҳаларини тизимли мониторинг қилиш ҳамда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларига жалб қилинган инвестициялар самарадорлигини аниқ мезонлар асосида баҳолаш механизмлари назарда тутилсин.

8. Ҳукумат комиссияси (С.У. Умурзаков), Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Д.С. Қосимов) Давлат божхона қўмитаси (М.Б. Азимов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

2021 йил 1 февралга қадар ҳудудларда инвестиция лойиҳалари доирасида импорт қилинган технологик асбоб-ускуналардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиб, фойдаланилмаётган ва паст қувватда ишлатилаётган асбоб-ускуналар рўйхатини шакллантирсин;

2021 йил 1 апрелга қадар фойдаланилмаётган ва паст қувватда ишлатилаётган асбоб-ускуналарни тегишлича ишга тушириш ҳамда фойдаланиш самарадорлигини оширишда тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама қўмаклашиш бўйича манзилли чоралар кўрсин;

2021 йил 10 апрелга қадар ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

9. Қуйидагилар:

а) Бош вазир ўринбосари С.У. Умурзаков — Дастурнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, тасдиқланган прогноз параметрлари бажарилиши ҳолатини мунтазам равишда муҳокама қилиш, лойиҳаларнинг техник ва иқтисодий кўрсаткичларини таъминлаш ва юзага келадиган муаммоли масалаларни тезкор ҳал этиб боришга;

б) Бош вазир ўринбосарлари (А.Ж. Раматов, Ж.А. Қўчқоров, Б.А. Мусаев, Ш.М. Ғаниев, А.А. Абдуҳакимов) — тегишли соҳа ва тармоқларда Дастурнинг ижросини, инвестицияларнинг ўз вақтида ва самарали ўзлаштирилишини, лойиҳалар натижадорлиги таъминланишини тизимли назорат қилишга;

в) инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг ўринбосарлари (Л.Ш. Кудратов, А.Б. Воитов, Ш.А. Вафаев, Н.Қ. Холмуродов) — Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларнинг тизимли мониторинги ва таҳлилини олиб боришга, маблағларни ўзлаштириш самарадорлигини, объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларининг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминлашга;

г) вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

Дастур доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича маблағларни самарали ўзлаштириш, қурилиш-монтаж ишларини сифатли бажариш, объектлар ва ишлаб чиқариш қувватларини белгиланган муддатларда ишга туширишга;

мазкур қарорнинг 6 ва 7-иловаларига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида лойиҳаолди ва лойиҳа ҳужжатларини сифатли ишлаб чиқиш, белгиланган муддатларда келишиш, тасдиқлаш, экспертизадан ўтказиш, шунингдек, маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳамда ташкилотлар билан зарур шартномалар тузиш масаласини ўрнатилган тартибда кўриб чиқишга;

2021 йил 1 июнга қадар мазкур қарорнинг 1, 1а ва 1б-иловаларига мувофиқ прогноз параметрлари асосида кейинги уч йиллик давр учун инвестициялар ва кредитларни ўзлаштириш ҳамда жалб қилиш параметрларини аниқлаштириш ҳамда янгилаш учун асослантирилган таклифлар ишлаб чиқиб, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига киритишга шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ–3437-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Ш. Кудратов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарор ижросини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ой якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 декабрь,
ПҚ–4937-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**573 Ўзбекистон Республикасининг «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида*****[Кўчирма]**

«2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

1. 2021 йил 1 февралдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ҳамда стипендиялар миқдори 1,1 баробарга оширилсин.

2021 йил 1 февралдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида: меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори — ойига 747 300 сўм; базавий ҳисоблаш миқдори — 245 000 сўм;

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа, кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги муҳтож оилаларга бир марталик моддий ёрдам миқдорлари 1-иловага** мувофиқ белгилансин.

2. 2021 йилда иккинчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган бюджет маблағларининг чекланган миқдорлари 2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорнинг 3-иловасида** кўрсатилган 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари прогнозининг бажарилиши юзасидан барча зарур чораларни кўрсин.

4. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб ижтимоий солиқ тўшумлари қуйидагича тақсимланади:

а) бюджет ташкилотлари бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — 99,2 фоиз;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига — 0,4 фоиз;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига — 0,4 фоиз;

б) бошқа тўловчилар бўйича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига — 98,4 фоиз;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига — 0,8 фоиз;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 декабрда эълон қилинган.

** 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига — 0,8 фоиз.

5. Фойда солиғи тўлиқлигича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига йўналтириладиган йирик солиқ тўловчилар рўйхати 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қуйидаги солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисми тўлиқ ҳажмда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан қолдирилсин:

жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи;

қўшилган қиймат солиғи (мазкур қарорнинг 4-иловасида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган қўшилган қиймат солиғи бундан мустасно);

фойда солиғи (мазкур қарорнинг 4-иловасида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб боровчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек, норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинган даромадларидан тўланадиган фойда солиғи бундан мустасно).

Бунда, солиқ турлари бўйича даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ҳисоблашда йирик солиқ тўловчилардан тушумлар (мазкур қарорнинг 4-иловасида кўрсатилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланадиган солиқлар бундан мустасно) инобатга олинади.

Молия вазирлигига нархлар (тарифлар) ва қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришидан келиб чиқиб, қўшилган қиймат солиғи бўйича даромадлар прогнозини тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида ҳудудлар кесимида қайта тақсимлаш ҳукуқи берилсин.

Белгилансинки, 2020 йил 4-чорак якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетидан, вилоятлар вилоят бюджетидан ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан даромадлар прогнозининг ошириб бажарилган қисмини ўтказиш 2021 йил январь ойида амалга оширилади ва 2020 йил учун ҳисоботларда акс эттирилади.

7. 2021 йил учун олтиндан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун йиғим миқдори 1 граммга 1 000 (бир минг) сўм миқдорида сақлаб қолинсин.

8. Белгилансинки, 2021 йилда Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган ҳолларда солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш муддатларини беш кундан кўп бўлмаган муддатга кечиктирганлик учун жарима солинмайди.

9. 2021 йил 1 январдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар учун асосий фондларнинг ҳар йиллик, микрофирма ва кичик корхоналар учун 3 йиллик мажбурий қайта баҳолаш тартиби бекор қилинсин.

10. 2021 йил 1 январдан бошлаб:

«Навоий кон-металлургия комбинати» ДК ва «Олмалик кон-металлур-

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

гия комбинати» АЖга ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси олтин, палладий, кумуш ва мис бўйича 15 фоиз миқдорида;

рентабеллик даражасидан келиб чиқиб «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК ва «Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ учун фойда солиғи ставкалари 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

11. 2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг самарадорлиги индикаторлари 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси:

мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижросини таъминласин ва мониторингини юритсин;

ҳисобот чораги якуни бўйича кейинги чорак биринчи ойининг 20 санасига қадар мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни шакллантириш ҳамда кейинчалик Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ҳисобот бериш учун Молия вазирлигига киритсин.

Белгилансинки, мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижросини баҳолаш вазирлик ва идораларнинг Ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги 2022 йил учун Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда барча вазирлик ва идораларнинг бюджетлари харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгилаган ҳолда мақсадли режалаштириш тизимини жорий қилсин ҳамда 2022 йил учун Бюджетномада акс эттирсин.

Ривожлантириш дастурларининг самарадорлиги натижаларини таҳлил қилиш мақсадида вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг марказий аппаратлари тузилмасида белгиланган штат бирликлари доирасида ички аудит хизматларини жорий қилсин.

13. Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги мазкур қарорнинг 7-иловасида назарда тутилган самарадорлик индикаторларининг ижроси устидан қатъий назорат ўрнатсин.

14. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Кадастр агентлиги, «Ўздаверлойиҳа» илмий-лойиҳа институти, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2021 йил 1 апрелгача қишлоқ хўжалиги ерлари бор юридик шахслар, жумладан, деҳқон хўжаликларига ерларни солиққа тортиш учун норматив қийматини етказсин.

15. Молия вазирлиги:

* 5 — 7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

а) 2021 йил 1 апрелга қадар:

Ҳисоб палатаси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлаш мақсадида маълумотларни расмий веб-сайтларга жойлаштириш тартибини;

Бюджет жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида янгиланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

б) 2021 йил 1 июлга қадар Давлат мақсадли жамғармаларининг маблағлари бўйича харажатлар сметаларини, шунингдек, ушбу жамғармалар бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим этиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

16. 2021 йил 1 январдан Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси тугатилсин, жамғарма ҳисобидан ажратилган маблағларнинг ўзлаштирилмаган қисми ҳамда жамғарманинг жорий йил охирига қолдиқ маблағлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига ўтказилиши таъминлансин.

Белгилансинки, 2021 йилда коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш тадбирлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетиде коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш харажатлари доирасида молиялаштирилади.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 апрелдаги «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5978-сон Фармонида 1-иловада назарда тутилган товарларни (оқ ва бошқа шакардан ташқари) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкаси 2021 йил 31 декабрга қадар қўлланилсин.

22. Молия вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида белгиланадиган дастурларда иштироки натижасида 2021 йил 1 январдан бошлаб олинган бонуслар, мукофотлар кўринишидаги пул тўловларининг жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Давлат солиқ қўмитасига 2021 йилда ажратилган маблағлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги «Яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ органлари фаолияти самардорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6098-сон Фармонида кўзда тутилган онлайн назорат-касса машиналарининг чеклари асосида совринли ўйинларни 2021 йилда ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплашга рухсат берилсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 8-иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* 8-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари 2021 йил 1 январдан 9-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 30 декабрь,
ПҚ-4938-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги
ПҚ-4938-сон қарорига
9-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон
Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб
эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 декабрдаги ПҚ-2099-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 6-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг 37-илоvasи 29-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 10-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4022-сон «Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарори 33-илоvasининг 10-банди «б» кичик банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 октябрдаги ПҚ-4470-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3818-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори иловасининг 2-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 июлдаги ПҚ-4397-сон «Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 11-банди ва 9-илоvasи.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарорининг 14-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 апрелдаги ПҚ-4665-сон «Тамаки маҳсулотлари бозорини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 3-банди ва иловаси.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 июндаги ПҚ-4739-сон «Ташқи иқтисодий фаолиятни янада тартибга солиш ва автотранспорт воситаларининг ички бозорини ривожлантиришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сон «Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорининг 1¹-банди.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 812-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги 643-сон «Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорига илованинг 1-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**574 Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда инсон капиталини тўлақонли ривожлантириш, олий ва профессионал таълимнинг сифатини ошириш, меҳнат бозорининг ривожланиши тенденцияларини инобатга олган ҳолда, аҳолининг кенг қатламларини талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш ҳамда малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш учун шарт-шароитларни яратиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзстандарт» агентлиги, йирик корхоналар ва уюшмаларнинг қўйидагиларни назарда тутувчи Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини (кейинги ўринларда — Классификатор) такомиллаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

таълимнинг энг паст даражасига қўйиладиган талабларни бекор қилган ҳолда ҳар бир лавозим ва касб бўйича малака доирасига мувофиқ малака даражасига талаблар киритилиши;

лавозим ва касбларни Машғулотларнинг Халқаро Стандарт Классификатори (МХСК — 2008) билан мувофиқлаштириш;

ишчи касблар учун тариф разрядларининг оралиғини белгилаш.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда янги таҳрирдаги Классификаторни ишлаб чиқсин ва «Ўзстандарт» агентлигида Ўзбекистон давлат стандарти шаклида рўйхатдан ўтказсин.

2. Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича тегишли малака даражасига эришиш йўллариининг мослашувчанлиги ва хилма-хиллигини таъминловчи Малака даражаларига эришиш схемаси 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Классификаторда белгиланган ҳар бир лавозим ва касб бўйича таълим ва малака даражасига қўйиладиган талаблар Малака даражаларига эришиш схемасига мувофиқ тегишли лавозим (касб)нинг малака даражасидан келиб чиққан ҳолда иш берувчилар томонидан мустақил белгиланади;

ҳар бир ходимнинг малака даражасини аниқлашда нафақат унинг маъ-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 декабрда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

лумоти, балки касбий тажрибаси, билимлари ҳамда шахсий ва ишбилармонлик фазилатлари ҳам ҳисобга олинади;

ходимларнинг иш ҳақини белгилашда уларнинг малака даражаси ҳисобга олинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдор бўлган Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича кенгаш (кейинги ўринларда — Кенгаш) ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашлар (кейинги ўринларда — ҳудудий кенгашлар) ташкил этилсин ва уларга қуйидаги вазифалар юклатилсин:

меҳнат бозорини, шу жумладан, унинг касбий-малакавий тузилмасини мониторинг қилиш, баҳолаш ва стратегик режалаштириш тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни рақамлаштириш ва янги прогрессив технологияларни ривожлантиришни инobatга олган ҳолда, малакали кадрларга бўлган жорий ва истиқболли эҳтиёжни қондириш;

касбий стандартлар, тармоқ малакалар доиралари ва малака талабларининг ишлаб чиқиши ҳамда янгилаб борилишини ташкил этиш;

малака ва билимларни баҳолаш миллий тизимининг халқаро миқёсда тан олинишини таъминлаш;

касбий малака ва билимларнинг мослашувчан, изчил ва узлуксиз ривожланишини таъминлаш;

малака ва билимларни, нафақат шахс томонидан олинган таълим, балки унинг касбий тажрибаси, кўникмалари ҳамда шахсий ва ишбилармонлик хусусиятларини инobatга олган ҳолда тан олиш, валидация ва аккредитация (сертификация) қилишнинг мослашувчан, шаффоф ва холисона механизмларини жорий этиш;

иш берувчи талабларининг таълим дастурлари мазмуни билан ўзаро боғлиқлигини кучайтириш орқали таълимнинг сифатини ошириш.

5. Қуйидагилар:

Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича кенгаш таркиби ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича ҳудудий кенгашларнинг намунавий таркиби 2 ва 2а-иловаларга* мувофиқ;

Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари (кейинги ўринларда — тармоқ кенгашлари), шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш учун масъул вазирлик, идора, таълим ва илмий муассасалар рўйхати 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тегишли вазирлик ва идораларнинг таклифларига биноан ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда тармоқ кенгашлари рўйхатига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Тармоқ кенгашларига қуйидаги вазифаларни амалга ошириш юклансин:

* 2-3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

меҳнат бозори мониторинги асосида тармоқларнинг малака ва билимларга эҳтиёжлари ва тенденцияларини аниқлаш;

тармоқ малака доираларини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва такомиллаштириш;

касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

норасмий ва информал ўқитишнинг натижаларини тан олиш, валидация ва аккредитация (сертификация) қилиш тизимини шакллантириш, шу жумладан, малакаларни баҳолаш марказлари фаолиятини ташкил қилиш;

ёшларни касбга йўналтириш, профессиограмма ва ахборот материалларини ишлаб чиқиш бўйича ишларни ташкил этиш;

тармоқ малакалар доиралари ва касбий стандартлардан келиб чиққан ҳолда Классификаторни такомиллаштириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашга оид меъёрларни аниқлаш бўйича таклифларни тайёрлаш.

Белгилансинки:

масъул вазирлик ва идораларда уларнинг умумий штат бирликлари сони доирасида меҳнатга ҳақ тўлаш шароити бўйича мустақил бўлим бошлиғига тенглаштирилган тармоқ кенгаши котиби лавозими киритилади;

тармоқ кенгашларининг доимий ишчи органи соҳага оид илмий-тадқиқот ва таълим ташкилотлари, йирик тармоқ корхоналари, ходимлар билан ишлаш бўйича тузилмалар бўлиши мумкин;

ишчи орган тармоқ кенгаши билан келишилган ҳолда ишлаб чиқиладиган касбий стандартлар ва бошқа ҳужжатларнинг хусусиятларини инобатга олиб, ишчи экспертлар гуруҳларини ташкил этишга ҳақли;

ишчи экспертлар гуруҳларининг ишларига жалб этиладиган ходим ва экспертларга тармоқ кенгашларининг фаолиятини ташкил этиш учун масъул бўлган вазирлик ва идораларнинг маблағлари ҳисобидан мукофот пули тўланиши мумкин.

7. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов):

хар чоракда тармоқ ва ҳудудий кенгашлар билан биргаликда малакаларни баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича фаолият натижаларини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот тақдим этиб борсин;

бир ой муддатда 2021-2022 йилларда хизматчилар лавозимлари ва ишчи касбларининг тармоқ тариф-малака маълумотномаларини тармоқ кенгашлари томонидан қайта кўриб чиқиш режа-жадвалини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

малака тизими иштирокчиларининг таклифлари ва илғор хорижий тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, касбий стандартнинг макетига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

малака тизимининг иштирокчилари сифатида ўзига юклатилган вазифалар бузилишига йўл қўядиган вазирлик ва идоралар мансабдор шахсларининг жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш бўйича таклифлар тақдим этиш;

талабгорларда малака даражаларига эришиш схемасида назарда тутилмаган таълим бўлган тақдирда уларнинг малакалар даражасини белгилаш.

8. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Республика бандлик ва меҳнат муҳофазаси илмий маркази Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Меҳнат бозори тадқиқотлари институти (кейинги ўринларда — Меҳнат институти) этиб қайта ташкил этилсин ва унга Кенгашнинг ишчи органи вазифаси юклансин.

Меҳнат институтининг асосий вазифалари этиб бандликка кўмаклашиш, меҳнат муносабатларини ривожлантириш, меҳнат бозори, меҳнат муҳофазаси, Малака тизими ва касбий стандартларни такомиллаштириш ҳамда меҳнат миграцияси каби йўналишлар бўйича илмий-амалий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш белгилансин.

9. Меҳнат институти тузилмасида қуйидагилар учун масъул бўлган Меҳнатни меъёрлаш маркази ташкил этилсин:

меҳнат бўйича меъёрлар ва нормативларни ишлаб чиқиш соҳасида амалий лойиҳаларни, шу жумладан, тармоқ корхоналари буюртмалари асосида амалга ошириш;

ташкилотларнинг ташкилий тузилмаси ва ходимлар сонини режалаштириш ҳамда мақбуллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

меҳнат фаолиятини тартибга солувчи техник регламентларни такомиллаштириш;

касбларнинг малакавий тавсифларини ишлаб чиқиш.

10. Белгилаб қўйилсинки:

а) Меҳнат институти:

тармоқ кенгашларининг, шу жумладан, касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш борасидаги фаолиятини услубий, ташкилий ва ахборот жиҳатидан таъминлайди;

малакалар тизимининг регистри ва бошқа ахборот ресурсларини шакллантириш, юритиш ва ривожлантиришни ташкил этади;

юклатилган вазифаларни бажариш учун вазирлик ва идоралар, таълим ташкилотлари, илмий ва бошқа муассасалар, давлат корхоналари мутахассисларини жалб этишга ҳақли;

б) Меҳнат институтининг директори Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан, унинг ўринбосарлари эса Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг буйруғи билан лавозимга тайинланади;

в) Меҳнатни меъёрлаш марказининг раҳбари бир вақтнинг ўзида Меҳнат институти директорининг ўринбосари ҳисобланади;

г) Меҳнат институти, шу жумладан, Меҳнатни меъёрлаш маркази фаолиятини молиялаштириш манбалари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари, хўжалик ҳисобидаги фаолиятдан даромадлар, халқаро, хорижий ва маҳаллий ташкилотларнинг грант маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Меҳнат институтида ишлаш учун хорижий мутахассисларни, шу жумладан, чет элдаги ватан-

дошларни шартнома асосида жалб қилиш ҳамда Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга рухсат берилсин.

11. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.М. Садиков) ва тармоқ кенгашлари билан биргаликда 2021 йил 1 апрелгача қуйидаги имкониятларни таъминловчи «profstandart.uz» касбий стандартларнинг ягона очиқ порталини ишлаб чиқсин ва ишга туширсин:

касбий стандартларнинг регистри ва улар матнларининг амалдаги таҳрирлари билан эркин танишиш;

иш берувчилар ва мутахассислар томонидан касбий стандартларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ташаббус кўрсатиш;

«очиқ майдонча» тамойили асосида ва реал вақт режимида янги касб стандартларини ишлаб чиқиш ва амалдагиларини такомиллаштириш, малакаларни баҳолаш тизимининг самарадорлигини ошириш борасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилишни манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларини жалб қилган ҳолда ташкил этиш.

Белгилансинки, «profstandart.uz» порталини яратиш ва унинг фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ ишларни молиялаштириш Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

12. Таълим ва ишлаб чиқариш амалиётининг тизимли ўзаро боғлиқлигини таъминлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

олий таълим муассасаларида амалиётга йўналтирилган таълим дастурларини жорий этиш мақсадида ушбу муассасаларнинг қарорлари асосида дуал таълим тизими жорий этилиши мумкин;

дуал таълим тизими асосида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган ўқувчиларга иш берувчи билан тузилган муддатли меҳнат шартномасига мувофиқ иш ҳақи тўланиши мумкин;

б) 2021 йил 1 апрелдан бошлаб:

янги касбий стандарт қабул қилинганда ёки амалдагиларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, тасарруфида таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар навбатдаги ўқув йили бошланишидан олдин таълим ташкилотларининг тегишли таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш, шунингдек, профессор-ўқитувчиларининг малакасини оширишни ташкил этади;

олий ва профессионал таълимнинг таълим дастурлари WorldSkills стандартлари, касбий стандартлар ва рўйхати Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори билан тасдиқланадиган, халқаро миқёсда тан олинган ташкилотлар рейтингида олий таълим муассасалари ўртасида биринчи 1 000 ўринни эгалловчи олий таълим муассасалари таълим дастурлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади;

таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш бўйича лойиҳалар «profstandart.uz» порталида, шунингдек, таълим ташкилотлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий сайтларида йигирма кундан

кам бўлмаган муддатга жамоатчилик ва экспертлар, шу жумладан, иш бевуричлар, вазирлик ва идоралар, уюшмалар ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари вакиллари орасида муҳокама учун жойлаштирилади.

13. 2021 йилга мўлжалланган касбий фаолиятнинг устувор йўналишлари бўйича касбий стандартларни ишлаб чиқиш режа-график (кейинги ўринларда — Режа-график) 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки:

ҳар йили 1 ноябрга қадар тармоқ кенгашлари, ҳудудий кенгашлар, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, таълим ташкилотлари, илмий ва бошқа муассасалар Меҳнат институтига келгуси йил учун Режа-график бўйича таклифларни тақдим этади;

ҳар йили 1 декабрга қадар Меҳнат институти жорий ва ўтган йиллардаги Режа-графикни амалга ошириш натижаларини ҳамда тармоқ кенгашлари, ҳудудий кенгашлар, таълим ташкилотлари, илмий ва бошқа муассасаларнинг таклифларини ҳар томонлама ўрганиш асосида келгуси йил учун Режа-график лойиҳасини ишлаб чиқади ва Кенгашга тақдим этади;

ҳар йили 10 декабрга қадар Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Кенгаш томонидан маъқулланган келгуси йил учун Режа-график лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади.

14. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2021 йил 1 апрелдан бошлаб касбий стандартларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга қўйидаги талабларни белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

касбий стандартларнинг ишлаб чиқилиши тармоқ кенгашлари томонидан тегишли йил учун Режа-график асосида ёки ўз ташаббуси билан тармоқлар мутахассисларини жалб қилган ҳолда ташкил этилади;

касбий стандарт лойиҳаси жамоатчилик ва экспертлар муҳокамаси учун йигирма кундан кам бўлмаган муддатга «profstandart.uz» порталига жойлаштирилади;

жамоатчилик ва экспертлар муҳокамасидан ўтган касбий стандарт лойиҳаси тармоқ кенгаши томонидан экспертизадан ўтказиш учун Меҳнат институтига тақдим этилади. Бунда, тақдим этилган касбий стандарт лойиҳасига нисбатан салбий хулоса берилган тақдирда, уни қайта ишлаш тармоқ кенгаши томонидан Меҳнат институти негизда ташкил этилади;

экспертизадан ўтган касбий стандарт лойиҳаси беш кун ичида тармоқ кенгаши томонидан тасдиқланади ва шу куннинг ўзида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига рўйхатдан ўтказиш ҳамда касбий стандартлар регистрига киритиш учун тақдим этилади.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) бир ой муддатда Касбий малака ва билимларни ривожлантириш бўйича тармоқ кенгашлари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. 2021 йилга мўлжалланган иқтисодиётнинг устувор тармоқларида-

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ги йирик корхоналар ҳузурида малакаларни баҳолаш марказларини ташкил этиш дастури 5-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Малакаларни баҳолашнинг шаффоф, холисона ва самарали тартибларини таъминлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

малакаларни баҳолаш Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланадиган баҳолаш воситалари, шу жумладан, онлайн тест-ни ўтказишга мўлжалланган дастур таъминотидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади;

малакаларни баҳолаш жараёни Интернет тармоғида эфирга узатилиб, электрон жисмда видеоёзув орқали қайд этилади;

баҳолаш воситалари Меҳнат институти ёки тармоқ кенгашларида экспертизадан ўтказилиши шарт.

Мазкур қарорга 5-иловада белгиланган масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳудудий кенгашлар билан биргаликда қўйидагиларни таъминласин:

2021 йил давомида малакаларни баҳолаш марказларини ташкил этишга қаратилган зарур чораларни кўриш;

малакаларни баҳолаш марказларини тегишли баҳолаш воситалари ва бошқа асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш;

малакаларни баҳолаш марказларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш.

16. Белгилаб қўйилсинки, малакани баҳолаш марказлари томонидан бериладиган малака паспортлари малака доираси даражаларига мувофиқ лавозимларни эгаллаш ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини беради.

17. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов) Давлат статистика қўмитаси (Б.А. Бегалов) ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йилдан бошлаб иш билан банд бўлганларнинг касбий ва малака тузилмаси кўрсаткичларини аниқлаш услубиятини ишлаб чиқсин.

18. Малакалар тизимини такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича «йўл харитаси» 6-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 795-сон қарори 2021 йил 1 мартдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари икки ҳафта муддатда ҳудудий кенгашларнинг таркибини тасдиқласин ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда уларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш учун барча зарур чораларни кўрсин.

21. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б. Хусанов):

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси (Қ.М. Рафиқов) билан

* 5-6-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

биргаликда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаб, уларнинг малака даражасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Б. Хусанов, олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирининг касб-хунар таълими бўйича ўринбосари М.М. Холмухамедов белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижадорлиги тўғрисида 2021 йил 1 апрель ҳамда 1 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 31 декабрь,
ПҚ-4939-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

575 «Ташқи савдо контрактларига идентификация рақамини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1365-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 283-сон «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 3 майдаги 01-02/19-23, 250-В-сон «Ташқи савдо контрактларига идентификация рақамини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1365, 2004 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 247-модда);

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки бошқарувининг 2013 йил 8 июлдаги 01-02/19-10, 12/1-сон «Ташқи савдо контрактларига идентификация рақамини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1365-1, 2013 йил 11 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 28-сон, 365-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 декабрь,
01-02/15-61-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 декабрда эълон қилинган.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 12 декабрь,
27/3-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

576 «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-4*

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 156-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 2971-1, 2019 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 3-сон, 58-модда) 2-бандидаги «январдан» деган сўз «июлдан» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 декабрь,
59-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**577 «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-2

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **бюро-ман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2018 йил 18 декабрдаги 157-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БҲС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғининг (рўйхат рақами 3124, 2019 йил 18 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 3-сон, 57-модда) 2-бандидаги «январдан» деган сўз «июлдан» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 18 декабрь,
60-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 декабрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

578 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2675-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 апрелдаги ПФ-5984-сон «Доимий прописка қилиш ҳамда турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 22 сентябрдаги ПФ-6065-сон «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 11-сон «Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 2020 йил 10 июндаги 370-сон «Электрон технологиялардан фойдаланиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 15 майдаги 43, 12, 6, 4, 54 ва 01-02/5-20-сон қарори (рўйхат рақами 2675, 2015 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 264-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 29 декабрда эълон қилинган.

тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири**Т. ИШМЕТОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 1 декабрь,
53-сон

**Фавқулодда
вазирлар вазири****Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 20 ноябрь,
28 қ/қ 20.11.20-сон

Мудофаа вазири**Б. КУРБАНОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 24 ноябрь,
42-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси****М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 20 ноябрь,
01-02/5-59-сон

**Давлат хавфсизлик
хизмати раиси****А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 23 ноябрь,
29-сон

Ички ишлар вазири**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 25 ноябрь,
80-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлигининг 2020 йил 1 декабрдаги
53-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2020 йил
25 ноябрдаги 80-сон, Мудофаа вазирлигининг
2020 йил 24 ноябрдаги 42-сон, Фавқулодда
вазиятлар вазирлигининг 2020 йил 20 ноябрдаги
28 к/қ 20.11.20-сон, Давлат хавфсизлик хизма-
тининг 2020 йил 23 ноябрдаги 29-сон ва Давлат
божхона қўмитасининг 2020 йил 20 ноябрдаги
01-02/5-59-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари
ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар
пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва
молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимча**

1. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Фуқарога қўшимча тўлов унинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тўланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга қўшимча тўлов яшаш гувоҳномаси ёки идентификация ID-картаси амал қиладиган муддат давомида тўланади.».

2. 4-бобнинг номи ҳамда 12 — 15, 18 ва 19-бандлар «Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати,» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Электрон технологияларини ривожлантириш маркази,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Электрон технологияларини ривожлантириш маркази билан келишилган.

Келишилди:

Миллий гвардия қўмондони

Р. ДЖУРАЕВ

2020 йил 17 ноябрь

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

А. УСМАНОВ

2020 йил 18 ноябрь

Олий суд раиси

К. КОМИЛОВ

2020 йил 18 ноябрь

Конституциявий суд раиси

Б. МИРБОБОЕВ

2020 йил 13 ноябрь

*Судьялар олий
кенгашининг раиси*

Х. ЁДГОРОВ

2020 йил 14 ноябрь

*Электрон технологияларини
ривожлантириш маркази бошлиғи*

О. ХОДЖАКБАРОВ

2020 йил 13 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

579 Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сон «Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 18 декабрдаги 21-сон бўйруғи (рўйхат рақами 2649, 2015 йил 19 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 3-сон, 32-модда) билан тасдиқланган Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ 2021 йил 1 январдан кучга киради.

Вазир

А. ХАДЖИБАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 декабрь,
140-сон

* Ушбу бўйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил
23 декабрдаги 140-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан
ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимчалар**

1. Мукаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПҚ–4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ–4666-сон «Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2009 йил 18 декабрдаги 319-сон «Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифаларини бериш тартибини белгилайди.».

2. 2-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Малака тоифасини олиш «Олий ҳамширалик иши» мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ёки фармацевтика ходимлари учун ихтиёрий бўлиб, уларнинг мурожаатига кўра амалга оширилади. Шифокорлар ҳар 5 йилда малака тоифасини олиш бўйича мажбурий аттестациядан ўтказилади. Шифокорларга қулайлик яратиш ва аттестацияни шаффоф ўтказилишини таъминлаш учун аттестация жараёни аудио ва видеоёзувларда қайд этиб борилади, шунингдек онлайн тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтида трансляция қилинади.».

3. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Малака тоифаси «Олий ҳамширалик иши» мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ёки фармацевтика ходимининг мурожаатига кўра асосий ва ўриндош иш жойидаги мутахассисликлардан биттаси бўйича ёки уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида берилиши мумкин.

Шифокорларга малака тоифасини олиш бўйича аттестация мажбурий бўлиб, асосий ва ўриндош иш жойидаги мутахассисликларнинг ҳар бири бўйича малака тоифасини олиши лозим.

Бунда тиббиёт ёки фармацевтика ходими тегишли мутахассислик бўйича мазкур Низомда белгиланган талабларга жавоб бериши керак.».

4. 10-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Аттестация «Олий ҳамширалик иши» мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ёки фармацевтика ходими учун ихтиёрийлик, шифокорлар учун мажбурийлик, даврийлик, холислик ва ошкоралик принциплари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (бундан буён матнда аттестациядан ўтказувчи органлар деб юритилади) ҳузурида ташкил этиладиган ихтисослаштирилган аттестация комиссиялари (бундан буён матнда аттестация комиссиялари деб юритилади) томонидан ўтказилади.».

5. 13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида ташкил этиладиган аттестация комиссиялари таркибига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, олий тиббиёт таълим муассасалари, ихтисослаштирилган илмий ҳамда илмий-амалий тиббиёт марказлари, илмий-тадқиқот институтлари, даволаш-профилактика муассасалари, тармоқ касаба уюшмаси республика кенгаши вакиллари киритилиши мумкин.

Худудий соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ҳузурида ташкил этиладиган аттестация комиссиялари таркибига худудий соғлиқни сақлашни бошқариш органи, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг худудий бошқармалари, олий тиббиёт таълим муассасалари, ихтисослаштирилган илмий ҳамда илмий-амалий тиббиёт марказлари филиаллари, илмий-тадқиқот институтлари, даволаш-профилактика муассасалари, худудий касаба уюшма бирлашмалари кенгашлари вакиллари киритилиши мумкин.».

6. 22-бандда:

биринчи хатбошидаги «2019 йил 6 майдаги ПҚ–4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-илоvasида белгиланган» деган сўзлар «2020 йил 7 апрелдаги ПҚ–4666-сон «Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 4-илоvasида белгиланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тиббий ёки фармацевтик маълумоти (олий, ўрта махсус, интернатура, клиник ординатура, магистратура, илмий даража, қайта тайёрлаш) тўғрисидаги диплом (хужжат) нусхаси;»;

ўн биринчи хатбоши «тавсифнома» деган сўздан кейин «(1 варақдан ошмаслиги лозим)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

ўн иккинчи хатбоши «ҳисобот билан бирга» деган сўзлардан кейин «(6 варақдан ошмаслиги лозим)» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 23 ва 24-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. Ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар аттестациядан ўтказувчи органнинг электрон почта манзили орқали ҳам тақдим этилиши мумкин. Бунда талабгор аттестацияга иштирок этиш учун келганида электрон почта орқали жўнатилган ҳужжатларининг қоғоз нусхаларини тақдим этиши талаб этилмайди.

Электрон шаклда тақдим этилган ариза ва унга илова қилинаётган ҳар бир ҳужжат алоҳида файл кўринишида бўлиши ҳамда ҳар бир файл ўлчами 10 мбдан ошмаслиги лозим.

Ҳужжатлар «PDF» форматида сканер қилинган ҳолда юборилади.

24. Аттестация ўтказиш учун врач ва фармацевт талабгорлардан қўшилган қиймат солиғи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида тўлов ундирилади. Аттестациядан ўтказиш учун бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимлари, «Олий ҳамширалик иши» мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимларидан тўлов ундирилмайди.».

8. 25-банднинг иккинчи хатбошисидаги «2019 йил 6 майдаги ПҚ–4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 6-илоvasида белгиланган» деган сўзлар «2020 йил 7 апрелдаги ПҚ–4666-сон «Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 4-илоvasида белгиланган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 29-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Талабгорлар аттестацияга паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат асосида киритилади.

Аттестация саволлари комиссия раиси ва масъул котибнинг имзолари билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Саволларга тайёрланиш учун талабгорларга 15 дақиқагача вақт ажратилади.

Саволларга тайёрланиш жараёнида талабгорларга қуйидагилар тақиқланади:

уяли телефон, бошқа алоқа ва телекоммуникация воситалари, китоб ёки шпаргалкалардан фойдаланиш;

бошқа талабгорлар билан суҳбатлашиш;

талабгорга аттестация натижаси эълон қилинмагунча хонадан ташқарига чиқиш.

Талабгорнинг мазкур қоидага амал қилмаслиги уни аттестацияда қатнашишдан четлаштириш учун асос бўлади. Ушбу ҳолатда масъул котиб томонидан мазкур Низомнинг 5-илоvasига мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштирилади ва комиссия аъзоларининг камида уч нафари томонидан имзоланади.

Аттестацияда қатнашишдан четлаштирилган талабгор олти ой давомида кейинги аттестацияларга қўйилмайди.».

10. 30-банд қуйидаги мазмундаги тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Республика миқёсида фавқулодда вазиятлар ёки карантин тартиби эълон қилинган давр мобайнида аттестация қуйидаги тартибда ўтказилади:

хужжатлар фақат электрон шаклда қабул қилинади ҳамда талабгорга хужжат қабул қилинганлиги, аттестация куни ва соати тўғрисида хабар юборилади;

аттестация оғзаки имтиҳон шаклида масофадан туриб (онлайн режимда) ўтказилади. Аттестация жараёни аудио ва видеоёзувларда қайд этиб борилади. Бунда талабгорга мутахассислиги бўйича ўн баллик тизимда баҳоланадиган 5 та савол берилади ва саволларга тайёрланиш учун 15 дақиқа вақт ажратилади. Талабгор томонидан тўпланган баллар мазкур Низомнинг 31-бандига мувофиқ баҳоланади.».

11. 31-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агарда аттестация комиссияси етарли балл тўплай олмаган шифокорлар бўйича малака тоифаси беришга нолойиқ деб топиш тўғрисида қарор қабул қилса, унда улар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида ўз ҳисобидан навбатдан ташқари бир ойлик малака ошириши ва аттестация ўтказилган кундан бошлаб тўққиз ой ўтгач умумий асосларда қайта аттестациядан ўтиши лозим бўлади.».

12. 34-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«34. Баённомага асосан, аттестация тугаган кундан бошлаб ўн кун ичида аттестация якунлари бўйича аттестация ўтказувчи орган раҳбарининг буйруғи қабул қилинади ҳамда малака тоифаси берилган талабгорларга Малака тоифаси берилганлиги тўғрисида сертификат (бундан буён матнда сертификат деб юритилади) расмийлаштирилади. Бунда барча тиббиёт ва фармацевтика ходимлари учун (бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимлари, «Олий ҳамширалик иши» мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимларидан ташқари) мазкур Низомнинг 3-иловасига, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимлари, «Олий ҳамширалик иши» мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимлари учун мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги сертификат берилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Сертификатнинг электрон шакли ҳисобга олиш серияси, QR-коди ва тартиб рақамига эга бўлади.

Электрон ҳамда қоғоз шаклда берилган сертификатлар тенг юридик кучга эга ҳисобланади.

Электрон шаклда берилган сертификатнинг қоғоз шакли талабгорнинг аризасига кўра, қатъий ҳисобда турадиган бланкларда электрон сертификатни расмийлаштирган орган раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилиши мумкин.

Шифокорлар бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан бошқа тиббиёт муассасаларида фаолият юритганда мазкур Низомнинг 3-илова-

сига мувофиқ шаклда сертификат олиш учун умумий асосларда аттестациядан ўтиши лозим бўлади.».

13. 35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Сертификат берилганлиги учун бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларидан қўшилган қиймат солиғи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик фоизи миқдорида, «Олий ҳамширалик иши» мутахассислигига эга бўлган ҳамширалар, ўрта тиббиёт ва ўрта фармацевтика ходимларидан қўшилган қиймат солиғи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма фоизи миқдорида тўлов ундирилади.».

14. 3-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён қилинсин.

15. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2 ва 3-иловаларига* мувофиқ таҳрирда 4 ва 5-иловалар билан тўлдирилсин.

16. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Келишилди:

***Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири***

Н. ХУСАНОВ

2020 йил 23 ноябрь

***Инновацион соғлиқни сақлаш
миллий палатаси раиси***

Р. ИЗАМОВ

2020 йил 11 декабрь

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2020 йил 23 декабрь

***Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси раиси***

К. РАФИКОВ

2020 йил 14 декабрь

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

580 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3079-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 ноябрдаги ПФ-5877-сон «Инфляциян таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш орқали пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 22 сентябрдаги 30/13-сон қарори (рўйхат рақами 3079, 2018 йил 25 октябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.10.2018 й., 10/18/3079/2122-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 декабрь,
27/9-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 декабрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
24 декабрдаги 27/9-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат
банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш
тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 10-банднинг биринчи хатбошисидаги «уч иш куни» деган сўзлар «бир иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.
2. 36-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
««овернайт» — муддати бир календарь кунидан иборат депозит операцияси (бунда, овернайт депозитларини жалб қилиш ва қайтариш кунлари ўртасидаги муддат бир кундан ортиқ бўлган ҳолларда фоиз тўловлари календарь куни бўйича ҳисобланади);».
3. 38-банднинг биринчи хатбошисидан «кейинги кундан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

581 Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида авто ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2904-2*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги ПФ–6005-сон «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 31 декабрда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 18 июлдаги 01-02/12-24-сон (рўйхат рақами 2904, 2017 йил 27 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 755-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида авто ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2021 йил 1 январдан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 7 декабрь,
01-02/12-60-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил
7 декабрдаги 01-02/12-60-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида авто ва темир
йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги
товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона
пломбалари қўйиш қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 4-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
««экспорт» божхона режимида божхона юк декларацияси «яшил» йўлак орқали автоматик равишда божхона расмийлаштирувидан ўтказилган ҳолларда, бундан мазкур Қоидаларнинг 5-банди иккинчи хатбошисида кўрсатилган ҳолатлар мустасно;».

2. Қуйидаги мазмундаги 4¹-банд билан тўлдирилсин:

«4¹. Хорижий давлатлар божхона органлари, транспорт ва экспедиторлик ташкилотлари томонидан товар ва транспорт воситаларига қўйилган идентификация воситалари қаторида товарларни ишлаб чиқарувчилар ва ушбу товарларни юборувчиларнинг идентификация воситалари ҳам тан олинади.».

3. 5-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

««Экспорт» божхона режимида божхона юк декларацияси «яшил» йўлак орқали автоматик равишда божхона расмийлаштирувидан ўтказилиб, товарлар Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчаси расмийлаштирилган ҳолда олиб чиқиляётганда, шунингдек, юк жўнатувчилар ва (ёки) ташувчиларнинг талабига кўра махсус божхона пломбалари чегара божхона постларида транспорт воситаларининг юк бўлимларига қўйилади.».

4. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Келишилди:

***Савдо-саноат
палатаси раиси***

А. ИКРАМОВ

2020 йил 26 декабрь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 17 декабрдаги 01-02/15-61-сон, 2020 йил 12 декабрдаги 27/3-сон «Ташқи савдо контрактларига идентификация рақамини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1365-2.

2. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 18 декабрдаги 59-сон «Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг даврий молиявий ҳисоботларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда тақдим қилиш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2971-4.

3. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2020 йил 18 декабрдаги 60-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (3-сонли БХС) «Бюджет ҳисоботи»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3124-2.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 1 декабрдаги 53-сон, 2020 йил 20 ноябрдаги 28 қ/қ 20.11.20-сон, 2020 йил 24 ноябрдаги 42-сон, 2020 йил 20 ноябрдаги 01-02/5-59-сон, 2020 йил 23 ноябрдаги 29-сон, 2020 йил 25 ноябрдаги 80-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2675-2.

5. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 23 декабрдаги 140-сон «Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2649-4.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 24 декабрдаги 27/9-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари билан депозит операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3079-1.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2020 йил 7 декабрдаги 01-02/12-60-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида авто ва темир йўл транспорт воситаларида божхона назорати остидаги товарлар ташилганда юк бўлимларига махсус божхона пломбалари қўйиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2904-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки бошқарувининг «Ташқи савдо контрактларига идентификация рақамини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1365, 2004 йил 21 май), шунингдек, унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1365-1, 2013 йил 11 июль).

2020 йил 28 декабрда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

